

2/2023,
mart-aprel
(№ 00064)



ТОВАРЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИГА МУВОФИҚ ТОВАРЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИНГ БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИГА ТАЪСИРИ

Каримқулов Қурбонқул Мавлонқулович

Божхона қўмитасининг Божхона институти кафедра мудири, т.ф.д., профессор. Тошкент, Ўзбекистон. karimkulov@mail.ru

Содиқжонов Шоҳижохон Жўрабек ўғли

Собитов Нодирбек Комил ўғли Божхона институти магистратура тингловчилари. Тошкент, Ўзбекистон. sodiqjonov7478@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i29

Аннотация

Мақолада товарларни ТИФ ТН бўйича таснифлаш жараёнларида юзага келаётган муаммолари айрим товар турлари бўйича таҳлил этилган. Шунингдек, товарнинг божхона қиймати ва унга нисбатан қўлланиладиган божхона ставкалари товарларни ТИФ ТН бўйича тўғри таснифлашга боғлиқлиги асослаб берилган. Хорижий мамлакатларда ва республикада олиб борилган тадқиқотларда, масалан парфюмерия ва косметика маҳсулотларининг кимёвий таркибига асосланган ҳолда ТИФ ТН бўйича тўлиқ таснифи келтирилмаганлиги аниқланган. Шу сабабдан, биз тадқиқот ишимизнинг мақсади этиб, айрим товарларнинг кимёвий таркибига асосланган ҳолда ТИФ ТНда таснифлаш ҳамда бир гуруҳ товарларга ҳар хил бож ставкаси берилган, (м-н:10%, 15% ва 20%), импорт бож ставкаларини бир хил белгилаш мақсадга мувофиқлиги асосланган. Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш учун илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Божхона тизими, Марказий божхона лабораторияси, божхона экспертизаси, Ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) иштирокчилари, ТИФ товар номенклатураси, таснифлаш, божхона расмийлаштируви, божхона юк декларацияси, товар коди, бож ставкаси, божхона қиймати, божхона тўловлари.

GOODS ACCORDING TO THE NOMENCLATURE OF GOODS EFFECT OF CLASSIFICATION ON CUSTOMS DUTIES

Kurbonkul Karimkulov

¹Doctor of Technical Sciences, Prof., Customs Institute of the State Customs Committee Republic of Uzbekistan, Uzbekistan, Tashkent 100071, Tashkent city, Kazyrabat street, 2nd proezd, house 118.

Sodiqjonov Shohijaxon²

Sobitov Nodirbek²

²Master's student at the Customs Institute

Abstract

In the article, the problems arising in the process of classification of goods according to the nomenclature of goods of foreign economic activity are analyzed for some types of goods. Also, it is justified that the customs value of the goods and the customs rates applied to them depend on the correct classification of the goods according to the nomenclature of goods of foreign economic activity. In the research carried out in foreign countries and in the republic, it was found that, for example, the complete classification of foreign economic activity according to the commodity

nomenclature based on the chemical composition of perfumery and cosmetic products was not provided. For this reason, the goal of our research is to classify some goods in the nomenclature of foreign economic activity based on their chemical composition, and to assign different duty rates to one group of goods (for example: 10%, 15% and 20%), the same import duty rates. determination is based on expediency. Scientific and practical proposals and recommendations have been developed to eliminate the above shortcomings.

Key words: Customs system, Central customs laboratory, customs expertise, Foreign economic activity participants, Foreign economic activity commodity nomenclature, classification, customs clearance, customs cargo declaration, commodity code, duty rate, customs value, customs fees.

Кириш

Ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида аҳоли фаровонлигини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш каби бир қатор эзгу ғоялар мужассам. Бу божхона тизимидаги ўзгариш ва янгиланишларда ҳам намоён бўлади. Мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва экспортни қўллаб-қувватлаш, қўшимча ишчи ўринларини яратиш мақсадида кенг қўламли ишлар олиб борилиб, тадбиркорларга бир қанча қулайлик ва енгилликлар яратилмоқда.

Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш мақсадида халқаро меъёр ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишга қаратилаётган муҳим эътибор, соҳада амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга, унинг инвестицион салоҳиятини оширишга, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга ва божхона органлари фаолияти шаффофлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Божхона амалиётида расмийлаштирув учун тақдим этилган божхона юк декларациялар (БЮД) бўйича товарлар божхона қийматининг тўғри белгиланганлигини, божхона тўловларининг тўғри ҳисобланганлигини ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ божхона тўловларидан назарда тутилган имтиёзлар тўғри қўлланилганлигини аниқлаш бевосита товарларнинг Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН)га кўра тўғри таснифланганлигига боғлиқ. Шу сабабли, бу борада хатоликларнинг олдини олиш учун ҳар бир божхона ходимидан товарларни таснифлашнинг умумқабул қилинган қоидаларини мукаммал билиш талаб этилади. Назарий билимлар билан бирга, уларни амалиётда бевосита қўллаш олиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан доимий танишиб бориш ва ушбу йўналишдаги сўнги инновацион ёки амалий услублардан, техник ёндашувлардан кенг фойдалана олиши даркор.

Бизнес учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистоннинг божхона тизимида бир қатор тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, 2012-2017 йиллардаги ислоҳотларда Республикада божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича чоралар кўрилди. Экспорт-импорт операцияларини тартибга солувчи 20 дан ортиқ қонунчилик ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди, бу ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай шароитлар яратиш, ҳисобот даврини қисқаритириш, лицензияланган фаолият ва бошқа процедураларни камайтиришга хизмат қилди.

Божхона органлари томонидан ишлаб чиқилган "Ягона дарча" автоматлаштирилган ахборот тизимига товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёнида тақдим этиладиган барча сертификатларни электрон тарзда олиш

амалиёти жорий этилди. Шунингдек, божхона ҳудудида қайта ишланган товарларнинг келиб чиқиш мамлакати бўйича дастлабки қарорлар беришни жорий этиш, божхона юк декларацияси ҳамда божхона қиймати декларациясини шаклини соддалаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 12 апрель ПФ-5414-сон, «Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги 2022 йил 27 апрель ПФ-122-сон фармонлари асосида божхона органларида қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан бир қатор вазифалар белгиланди. Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда, яъни товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёнида ҳар бир товар тизимли равишда Уйғунлаштирилган тизимга (УТ) асосланган ТИФ ТН асосида халқаро код рақамларига мувофиқ таснифланади.

ТИФ ТНни интерпретация қилишнинг асосий 6 та қоидаларига биноан, товарлар таснифланади. Товарларнинг кодини тўғри аниқлаш учун эса, уларнинг барча хусусиятларини ўрганиш орқали амалга оширилади. Юқорида таъкидлаганидек, товарларни тўғри ТИФ ТН код рақамларини аниқлаш асосида божхона тўловлари тўлиқ ундирилади. БЮДнинг тегишли графаларидаги товар тўғрисидаги маълумотлар бири-бирига мос келиши назорат қилинади. Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда, яъни товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёнида ҳар бир товар тизимли равишда УТга асосланган ТИФ ТН асосида халқаро код рақамларига мувофиқ таснифланади. ТИФ ТНни интерпретация қилишнинг асосий қоидаларига биноан, товарлар таснифланади. Товарларнинг кодини тўғри аниқлаш учун эса, уларнинг барча хусусиятларини билиш орқали амалга оширилади. Юқорида таъкидлаганидек, товарларни тўғри ТИФ ТН код рақамларини аниқлаш асосида божхона тўловлари тўлиқ ундирилади. Маъмурий усуллари оптималлаштириш ва соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида божхона тизимида тизимли ислохотларни амалга ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Демак, товарларни ТИФ ТН код рақамлари тўғри аниқланиши натижасида божхона тўловлари тўлиқ ундирилади [1].

Тадқиқот ишимизнинг объекти - товарларни ТИФ ТН асосида таснифлаш ҳисобланиб, **мақсади** товарларни таснифлаш бўйича умумий ёндашувларни шакллантиришдан иборат.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Товарларини ТИФ ТНга мувофиқ идентификациялаш ва таснифлаш методологиясининг ривожига, хорижий олимлар, жумладан Корф Д.В., Якубова Э.В., Андреева Э.И., Воротенцева Т.М., Н.П.Сорокина, С.А.Вилкова, Л.А.Яковлева, К.А.Алымбеков, О.Ю.Свекольникова ва бошқалар, мамлакатимиз олимларидан И.Р.Асқаров, К.М.Каримқулов, Ғ.Ҳамрақулов, Б.Ё.Абдуғаниев, Ш.М.Қирғизов, А.М.Жўраев, Н.Х.Тухтабоев, М.Ю.Исақов, А.Ж.Абдурахмонова ва бошқалар ўзларининг ҳиссаларини қўшишган. Улар томонидан товарларни кимёвий таркиби асосида идентификациясини ўтказиш, синфлаш ва сертификатлаш тамойиллари яратилган. Хусусан экспорт-импорт қилинадиган айрим маҳсулотларни ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси асосида божхона экспертизаси ёрдамида идентификация қилишни амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар берилган. Лекин бу олиб борилган тадқиқотларда парфюмерия ва косметика маҳсулотларининг кимёвий таркибига асосланган ҳолда тўлиқ таснифи келтирилмаган. Шунинг учун ҳам тадқиқот

ишимизнинг мақсади, товарларни кимёвий таркибига асосланган ҳолда ТИФ ТН да таснифлашдан иборат [2-3].

Жумладан, Россиялик олимлар, божхона фаолиятини такомиллаштириш муаммоларини ва божхона хизматининг сифатини ошириш, Россия Федерациясида божхона хизматининг самарадорлигини ошириш бўйича Г.А.Антонов, В.Г. Версин, Н.В.. Воитоловский, М.Ю. Голошубов, Н.И. Гусев, А.А. Деченко, О.В. Калинина, Е.М. Карлик, А.В. Кулешов, В.М. Ларин, В.В. Мақсусаев, В.В. Корпалов, Л.И. Семинар, В.А. Полиакова, Рудакова, Р.П. Садикова, Б.С. Синавин, О.А.Овсянникова ва бошқа шу каби олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган [3-8]. Улар томонидан ТИФни такомиллаштириш ва тарифли ва нотариф усуллар билан бошқариш ёритилган, бироқ ТИФни товарлар ТИФ ТН асосида бошқариш ва божхона тўловларга таъсири ўрганилмаган. Шунингдек, Россия, Туркия, Финландия ва бошқа мамлакатларнинг божхона хизматларида Хавфларни бошқариш тизими (ХБТ)дан фойдаланилади. Хавф кўрсаткичлари асосида танлов асосидаги божхона назорати 1990 йиллардан бери чегараларда товарларни назорат қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни амалга оширишнинг бир қисми сифатида амалга оширила бошланди. Нафақат товарлар, балки транспорт воситалари ҳам божхона назорати объекти сифатида кўриб чиқилад бошланди.

Божхона тарифлари тизимини шакллантириш учун ишлатиладиган Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг Уйғунлашган тизими божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг муҳим соҳасидир.

Шу боис, жаҳондаги деярли барча давлатлар каби, Ўзбекистон Республикасида ҳам ТИФ ТН Товарларни тавсифлаш ва кодлашнинг УТ асосида ишлаб чиқилган. ТИФ ТНни юритиш ва товарларни таснифлаш божхона ишининг ва божхона органларига юклатилган муҳим вазифаларнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Бирор товарга ёки бошқасига божхона бошқаруви чораларини қўллаш борасида ушбу масала алоҳида аҳамият касб этади. Товарнинг божхона қиймати ва унга нисбатан қўлланиладиган божхона ставкалари товарни ТИФ ТН бўйича тўғри таснифлашга боғлиқ [9-11].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, товарларни ТИФ ТН бўйича таснифлаш қоидаларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси


Тадқиқот методологияси сифатида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил усуллари қўлланилди. Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда, яъни товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёнида ҳар бир товар тизимли равишда УТга асосланган ТИФ ТН асосида халқаро код рақамларига мувофиқ таснифланади. ТИФ ТНни интерпретация қилишнинг асосий қоидаларига биноан, товарлар таснифланади. Товарларнинг коддини тўғри аниқлаш учун эса, товарларнинг асосий хусусиятларини билиш орқали амалга оширилади.

Юқорида таъкидлаганидек, товарларни тўғри ТИФ ТН код рақамларини аниқлаш асосида божхона тўловлари тўлиқ ундирилади. БЮДнинг тегишли графаларидаги товар тўғрисидаги маълумотлар бир-бирига мос келиши назорат қилинади. Демак, товарларни ТИФ ТН код рақамлари тўғри аниқланиши натижасида, божхона тўловлари тўлиқ ундирилади.

Таҳлил ва натижалар

Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил якуни бўйича маълумотларига кўра, 2021 йил Марказий божхона лабораторияси ва Ҳудудий божхона бошқармаларидаги товарларни классификациялаш гуруҳлари томонидан 9 596 та (2020 й. 4050 та) экспертиза

ўтказилган. Ўтказилган экспертизалар натижасида 3 291 та (2 771 та) ТИФ ТНга оид хатолик аниқланиб, 99,9 млрд. сўм (2020 й. 83,05 млрд.сўм) қўшимча божхона тўловлари ҳисобланиб ўндирилди. Юқоридаги таҳлилий маълумотлар 1-расмда келтирилган.



1-расм. 2021 йилда аниқланган ТИФ ТН бўйича аниқланган ҳолатлар (ДБҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди)

1-расмдаги маълумотларга асосан, 2021 йил давомида ўтказилган экспертизалар сони ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда 5 546 тага, аниқланган хатоликлар сони 520 тага, ҳисобланган божхона тўловлари 16,85 млрд. сўмга кўпайган ҳамда Тошкент шаҳрида 44 %, қолган вилоятларда 2-8% гача ТИФ ТН бўйича хатоликлар аниқланган ҳолос [12].

Марказий божхона лабораторияси ва Ҳудудий божхона бошқармаларидаги товарларни классификациялаш гуруҳлари томонидан амалга оширилган ишлардан келиб чиқиб 4 йиллик (2019й, 2020й, 2021й, 2022й) статистик таҳлиллар қуйидаги кўринишга эга (1-жадвал).

Жадвал

Марказий божхона лабораторияси ва ҳудудий божхона бошқармалари томонидан божхона экспертизаси йўналиши бўйича маълумот

	2019	2020	2021	2022
Ўтказилган экспертизалар умумий сони	3794	4050	9596	9943
ТИФ ТН бўйича аниқланган хатоликлар сони	2257	2771	3291	3540
ТИФ ТН бўйича аниқланган хатоликлар натижасида ҳисобланган қўшимча тўловлар	45,42	83,05	99,95	77,5


ДБҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий божхона бошқармаларидаги Товарларни классификациялаш гуруҳлари томонидан 2022 йил ҳисобот даврида ўтказилган 9 943 та (2021 й. 9 596 та) экспертиза натижасида 3 540 та (2021 й. 3 291 та) ТИФ ТНга оид хатолик аниқланиб, 77,5 млрд сўм (2021 й. 99,9 млрд) қўшимча божхона тўловлари ҳисобланган.

Шунингдек, жадвалдаги маълумотларга кўра, 2022 йилда ўтказилган экспертизалар сони ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда 338 тага, аниқланган хатоликлар сони 297 тага кўпайган, ҳисобланган божхона тўловлари 22,4 млрд сўмга камайган.

2022 йилда Марказий божхона лабораторияси товарларнинг таркибига аниқлик киритиш юзасидан келиб тушган 316 та (2021 й. 330 та) мурожаат (ҳудудий божхона бошқармалардан – 298 та, юридик ва жисмоний шахслардан – 11 та, КҚК бош бошқармасидан - 7 та) бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида 2,7 млрд сўм қўшимча божхона тўловлари ҳисобланди [9].

Марказий божхона лабораториясига тақдим этилган гиёҳвандлик ёки психотроп модда деб шубҳа қилинган 73 та мурожаат бўйича 40 028 та объект материалларга аниқлик киритиш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида 22 та ҳолатда 934 та объект гиёҳванд модда, 15 та ҳолатда 769 та объект психотроп модда ва 26 та ҳолатда 37465 та объект кучли таъсир этувчи восита ҳамда 27 та ҳолатда 860 та объектлар таркибида тақиқланган моддалар сақламаслиги аниқланиб, тегишли хулосалар тайёрланган (2-расм) [12].



2-расм. Марказий божхона лабораторияси ва ҳудудий божхона бошқармалари классификациялаш гуруҳлари томонидан божхона экспертизаси йўналиши бўйича маълумот

ДБҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди)

2-расмдаги маълумотларга кўра, 2022 йилда ўтказилган экспертизалар натижасида қўйидаги ТИФ ТН код хатоликлари аниқланган ва божхона экспертизаси натижасида товарнинг тўғри ТИФ ТН коди аниқланган: Шулардан ТИФ ТНнинг 35, 39, 48, 59, 60, 72, 73, 83, 84, 85, 87, 90, 92, 94, 95- гуруҳларларида энг кўп аниқланган хатоликлар.

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, мамлакатимиз ҳудудига товарларнинг кириб келишида божхона тўловларини тўламаслик ёки камайтириш билан боғлиқ товарларнинг ТИФ ТН код рақамлари ўзгартирилиши ва нотўғри тақдим этилиши ҳолатлари йилдан йилга ортиб бормоқда.

Бундай ҳолатлар ўз навбатида божхона экспертиза йўналиши билан бевосита боғлиқдир. 4 йиллик (2019й, 2020й, 2021й 2022й) таҳлилий маълумотлардан кўринадики, ТИФ ТН код рақамлари билан боғлиқ хатоликлар, божхона тўловларидан бўйин товлаш ҳолатлари йилдан йилга тобора ортиб бораётгани кўриш мумкин [13-14].

Таҳлил натижаларига кўра товарларни ТИФ ТН коди нотўғри қўлланишига сабаб бўлаётган қуйидаги омилларни келтириш мумкин:

Биринчидан, Объектив омиллар:

1. Товарларни ишлаб чиқариш технологияси ривожланганлиги;
2. Товар ассортиментлари кўпайиши, бутунлай янги турдаги товар ишлаб чиқариши асосида ТИФ ТНга янгиликлар киритилиши;
3. Амалдаги ТИФ ТН инновацион товарларни ўзига қамраб олмаганлиги.

Иккинчидан, Субъектив омиллар:

1. ТИФ иштирокчиларининг божхона тўловларидан бўйин товлашга ҳаракат қилиши;
2. Товар таркиби ва вазифалари ўхшаш бўлганлиги сабабли, божхона имтиёзларини нотўғри қўллаш;
3. Божхона инспекторларини фан ва техниканинг турли соҳалари бўйича, ТИФ ТН бўйича етарли билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб бормаслиги. Товарларни идентификациялаш жараёнига замонвий экспертиза усулларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, товарларни идентификациялаш ва ТИФ ТНга мувофиқ детализациялаш жараёнини такомиллаштириш ва таснифлаш механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, йилдан йилга товарларни нотўғри таснифлаш ва давлат бюджетига божхона тўловларини камайтириб тўлаш ҳолатлари кўзатишган, бундай салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида, биринчидан, Товарларни таснифлаш қоидаларини тўғри талқин этиш ва баъзи бир мураккаб товарларни божхона экспертизасини амалга оширишнинг содда экспресс усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётга таклиф этилди.

Хулоса ва таклифлар

1. ТИФ божхона пости инспекторларини товарларни ТИФ ТНга кўра таснифлашнинг асосий қоидалари бўйича билим ва малакаларини ошириш мақсадида, Божхона институти профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида “Экспертлар маслаҳати” рукни ташкил этиш ва ДБКнинг расмий “customs.uz” интернет сайтида ёки “видеоселектор” тарзида ҳар ой, чорак якунларида “Мастер класс” ўқув-тренинг машғулотларини “On-line” режимида мунтазам равишда ташкил этиш. Жаҳон божхона ташкилоти Уйғунлаштирилган Тизими экспертлари иштирокида минтақавий ўқув семинарлари шунингдек, хорижий мутахассислар, ТИФ

иштирокчилари билан биргаликда илмий семинарлар, анжуманлар (конференциялар, брифинглар) ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

2. Товарларни ТИФ ТН кодини тўғри таснифланганлигига аниқлик киритиш мақсадида, шубҳали товарлар бўйича хавф профилларини мунтазам равишда яратиш, янгилаб бориш. ТИФ ТН кодини аниқлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларни фаоллаштириш ва гуруҳ ишини самарадорлигини ошириш, хавфни бошқариш тизими билан мантиқий назоратни йўлга қўйиш ва келгусидаги ТИФ ТН коди билан боғлиқ бўладиган хавфлардан огоҳ қилиш, расмийлаштирув жараёнидаги камчилик ва хатоликларнинг олдини олиш учун имкониятлар яратиш.

3. ТИФ божхона пости инспекторларини товарларни ТИФ ТНга кўра таснифлашнинг асосий қоидалари бўйича билим ва малакаларини ошириш мақсадида, товарларни таснифлашнинг асосий қоидаларини қўллаш бўйича ўзбек тилидаги услубий қўлланма мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, ҳудудий божхона бошқармалар ТИФ божхона постлари инспекторлари учун услубий қўлланма яратиш.

4. Айрим турдаги товарларни таснифлашда ТИФ ТНда жуда яқин ўхшаш позицияларнинг мавжудлиги нотўғри таснифлашни келтириб чиқаради. Шу сабабли, мана шундай чалғитувчи подсубпозицияларни хавфни бошқариш тизимида хавф профилининг индикатори сифатида киритиш мақсадга мувофиқ (масалан, хавфни бошқариш тизимида хавф профилининг индикатори сифатида ТИФ ТНнинг 2106 90 980 3 товар подсубпозицияси киритилади).

5. Товарларни импорт режимига расмийлаштирувида уларнинг бож ставкалари нотўғри белгилаш ҳолатлари кузатилмоқда. Ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб, “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3818-сон қарорига асосан бир гуруҳ товарларига ҳар хил бож ставкаси берилган, м-н: 10 %, 15 % ва 20 %), таклиф бож ставкаларини бир хил белгилаш мақсадга мувофиқ.

6. Товарларни ТИФ ТН бўйича таснифлашда хатоликлар сонини камайтириш мақсадида, ҳудудий таркибий тузулмаларда Товарларни классификациялаш ходимларининг ишини мувофиқлаштириш, божхона органларининг Ягона электрон ахборот тизимлари орқали расмийлаштирилган товарларни тўғри таснифланганлигини таҳлил қилиш.

7. Товарларни идентификациялаш ва ТИФ ТНга мувофиқ детализациялаш жараёнини такомиллаштириш ва таснифлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва божхона экспертизасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кадиров Ф.А., Ташмухамедов Р.Р., Абдуганиев Б.Ё., Иняминов А.Е. Товарная номенклатура внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан (версия 2022 года). -Т.: - ООО «РЕН-Полиграф», 2023. - 656 стр.

3. Б.Ё.Абдуганиев. Божхона экспертизаси, Товарларни ҳалқаро сертификатлаш: Дарслик. -Т: «ДБҚ» нашриёти, 2014. - 349 стр.

4. О.А.Овсянникова. Направления совершенствования таможенного регулирования. - Москва. 30.11. 2017 г. Вестник РТА. - № 11. - С. 3-17.

5. Корф Д.В. Правовая регламентация классификации товаров: на примере Товарной номенклатуры внешнеэкономической деятельности ЕАЭС / Д.В. Корф // Публично-правовые исследования. – 2017. – № 1. –С. 32–45
6. Ben L., Irvin Sheri Rouznau. Seminar po GS - Dnepropetrovsk, 2012.
6. Учебно-справочно пособие по классификации товаров в соответствии с ТН ВЕД РФ.- М.: ДГУП “Ростаможинформ”, 2001. - 310 стр.
7. Тимошенко И.В. Таможенное регулирование внешнеэкономической деятельности. - М.: Бератор Пресс. – 2003 – 165 с.
8. Панова Е.Н. Развитие методов таможенной оценки товаров, содержащих объекты интеллектуальной собственности: Дисс. ... д-ра экон. наук. – М. 2010. – 166 с.
9. Особенности классификации товаров по ТН ВЕД. Серия “Таможня и Право”. – СПб.: “ТИРЕКС”, 2002. - 212 стр.
10. Е.И. Андреева – «Развитие методологии и совершенствование механизма управления идентификацией товаров в таможенных целях». Монография. –М. 2016 г. - 202 стр.
11. Д.В. Алёшкина и др. – «Классификация товаров в таможенных целях». Учебное пособие. – М. 2017 г. – 314 стр.
12. Давлат божхона қўмитасининг МБЛ фаолияти бўйича ҳисоботлари.
13. www.customs.uz
14. www.kun.uz